

Мухаммедов Мурод Мухаммедович,
и.ф.д., профессор, Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти

Тўрабеков Соҳибжон Шербой ўғли,
таянч докторант, Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

УДК: 338.48

DOI: 10.34920/EIF/VOL_2023_ISSUE_1_2

**МУХАММЕДОВ М.М., ТЎРАБЕКОВ С.Ш-Ў. ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ
СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Бугунги замонавий, инновацион иқтисодиёт шароитида туризм хизматлари соҳасининг Ўзбекистон миллий иқтисодиётида тутган ўрни ва унинг пандемиядан кейинги ҳолати мақолада кенг ёритилган. Ўзбекистон шароитида туризм хизматлари соҳасини жадал ривожлантириш, унинг пандемиядан олдинги фаол ҳолатига қайтариш ҳамда туризмни ривожлантириш Концепсияси доирасида унинг ташкилий иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари чуқур таҳлил қилинган. Бу борада мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: туризм хизматлари, пандемия, туризмни ривожлантириш имкониятлари, аҳоли бандлиги.

**МУХАММЕДОВ М.М., ТУРАБЕКОВ С.Ш-У. ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ОРГАНИЗАЦИОННО-
ЭКОНОМИЧЕСКИХ МЕХАНИЗМОВ РАЗВИТИЯ ТУРИСТИЧЕСКИХ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ**

В статье широко освещается роль туристических услуг в условиях современной экономики Узбекистана и его пост пандемическое положение. Тщательно проанализированы пути быстрого развития сферы туристических услуг, возвращения ее в активное состояние до пандемии, совершенствования ее организационно-экономических механизмов в рамках Концепции развития туризма в Узбекистане. В связи с этим разработаны соответствующие предложения и рекомендации по устранению существующих проблем и недостатков.

Ключевые слова: туристические услуги, пандемия, возможности для развития туризма, занятость населения.

MUKHAMMEDOV M.M., TURABEKOV S.SH-U. WAYS TO IMPROVE ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC MECHANISMS FOR THE DEVELOPMENT OF TOURIST SERVICES IN UZBEKISTAN

In the article widely highlights the role of tourism services in the national economy the conditions of a modern, innovative economy, of Uzbekistan and its post-pandemic situation. The ways for the rapid development of the tourism services sector, its return to an active state before the pandemic, and the improvement of its organizational and economic mechanisms within the framework of the Tourism Development Concept in the conditions of Uzbekistan were carefully analyzed. In that regards, relevant proposals and recommendations have been developed to eliminate existing problems and shortcomings.

Key words: tourism services, pandemic, opportunities for tourism development, employment.

Кириш. Туризм хизматлари соҳаси жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий, сиёсий ва бошқа муносабатларни қамраб олувчи тизим сифатида намоён бўлмоқда. Шу сабабли соҳадаги субъектлар ўртасида муносабатлар серқирра, кенг қамровли ва мураккаб муносабатлар бўлиб, уларни аниқ, қатъий ўрнатилган ва барқарор ҳуқуқий нормалар билан тартибга солмасдан туризмдан кўзланган мақсадга эришиш жуда мураккаб. Шунингдек, туризм хизматлари соҳасида давлатлар билан давлатлар, давлатлар билан халқаро ташкилотлар, белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва сайёҳлик хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга, лицензияси бўлган корхоналар, муассаса ва ташкилотлар, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи барча жойлаштириш воситалари, умумий овқатланиш ва транспорт корхоналари, маданий-маърифий, спорт муассасалари, сайёҳлар, туристик гуруҳ раҳбарлари, экскурсия етакчилари, сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш хизмати ходимлари, туристлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идоралар, ташкилотлар ва бошқа субъектлар ўртасидаги муносабат жараёнларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан соҳанинг ташкилий-иқтисодий томондан тўғри шакллантирилганига боғлиқ. Сабаби, туризм хизматлари соҳасининг ривожланиши ташкилий жиҳатдан оптимал ва хизматлар бозори конъюктурасига нисбатан эгилувчан бўлса, хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Илмий муаммонинг қўйилиши.

Туризм хизматлари соҳасини жадал суръатларда ривожлантиришнинг таркибий қисмларини, унинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни ҳамда меҳнат муносабатларини ривожлантиришдаги роли борасида кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан бир қатор илмий-амалий ишлар олиб борилган. А.Смит, Ж.Б. Сей, А. Маршал, Ж.М. Кейнс ва бошқалар шулар жумласидандир.

МДХ мамлакатлари иқтисодчилари орасида ҳам бу борада кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, А. Косолапов, А. Гранберг, Е. Джанджугазова, А. Дружинин, А. Колесников, В. Ильин, И. Исаев, З. Зайнашева ва бошқалар туризм хизматлари соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларига катта эътибор қаратишган.

Ўзбекистонда ҳам туризм соҳасининг моҳияти, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тутган ўрни ҳамда уни ривожлантириш масалалари борасида илмий изланиш олиб борган олимлардан С.С. Ғуломов, Н.Т. Тухлиев, Ё.А. Абдуллаев, М.М. Мухаммедов, М.Қ. Пардаев, Ғ.Ҳ. Қудратов, И.С. Тухлиев, Қ.Ж. Мирзаевларни кўрсатиш мумкин. Улар ўз илмий изланишларида туризм соҳасини ривожлантиришнинг назарий-методологик муаммоларини тадқиқ этганлар.

Шунинг билан, туризм хизматлари соҳасининг Ўзбекистон миллий иқтисодиётида тутган ўрни ва унинг пандемиядан кейинги ҳолати баҳолаш, унинг падемиядан олдинги фаол ҳолатига қайтариш ҳамда Ўзбекистон шароитида туризм хизматлари соҳасини жадал ривожлантириш Концепсияси доирасида унинг ташкилий иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари таҳлил қилиш, бу борада мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш борасида тадқиқотларни амалга ошириш муҳим илмий аҳамиятга эга. Сўнги йилларда Ўзбекистон миллий иқтисодиётини диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини оширишдек устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашда туризм хизматлари соҳасига муҳим стратегик тармоқ сифатида қаралмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида»ги [1] фармони билан тасдиқланган «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси»да туризмни ривожлантириш бўйича қўйилган мақсадли кўрсаткичларга эришишнинг етти йиллик дастурининг белгилаши бу соҳада амалга оширилиши керак бўлган ишларнинг кўплиги ва уларни амалиётга тадбиқ қилишда барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни тақозо қилади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотларда умумий изланишлага хос услублардан дедукция умимий вазиятдан алоҳида жараёнлар борасида хулоса қилиш, индукция – алоҳида жараёнлар тахлиliga таяниб умумий вазият борасида хулосалар тайёрлаш, анализ, синтез, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, туризм соҳасидаги вазият ва жараёнлар тахлили ва бошқа усуллар қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда туризмни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича давлат томонидан реал ҳаётда амалга оширилаётган ва тармоқнинг улкан салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган самарали макроиқтисодий сиёсат - 2020 йилда жамият тараққиётида тўсатдан юзага келган ҳамда иқтисодий тизимларни издан чиқариб, жаҳон иқтисодий инқирозининг юзага келишига сабабчи COVID-19 нинг тарқалиши муносабати билан катта қийнчиликларга дуч келди. Табиийки, Ўзбекистонга боғлиқ бўлмаган ушбу дунёвий жараёнлар мамлакат иқтисодий ҳаётига ҳам жуда кучли салбий таъсир кўрсатди. Айниқса, ўзига хос хусусиятларга эга ва халқаро туризмнинг тараққиёти мамлакатлараро интеграцион алоқалар мустақамлигига бевосита боғлиқ бўлган туризм тармоғига коронавирус пандемиясининг салбий таъсири жуда катта бўлди.

Коронавирус пандемияси туфайли мамлакатда жорий этилган карантин чоралари доирасида 2020 йилнинг март ойидан бошлаб Ўзбекистонда барча ҳаво йўллари ва темир йўл транспорти фаолияти вақтинча тўхтатилди. Ушбу ҳолат юртимизга ташриф буюрувчи саёҳатчилар сонининг кескин қисқариб кетишига олиб келди. Масалан, 2020 йилнинг январ-март ойларида, яъни транспорт воситаларининг халқаро ҳаракатлари тўхтатилгунга қадар давр мобайнида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари сони 1214,01 минг кишини ташкил этган бўлса, мазкур йилнинг апрел-июн ойларида, яъни транспорт воситаларининг халқаро

ҳаракати батамом тўхтатилганидан кейин, ушбу кўрсаткич атиги 2,1 минг кишини ташкил этди. Бошқача сўзлар билан ифодалганда, қисқа давр мобайнида коронавирус пандемияси оқибатида вазият тақозоси билан ноиложликдан кўрилган тезкор чоралар натижасида мамлакатга хориждан ташриф буюрувчи туристлар сони 5816 мартага камайиб кетган.

2019 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган ҳар бир чет эл фуқароси улушига тўғри келадиган ўртача даромад миқдори (2028,5 минг сўм) [2] асос қилиб оладиган бўлсак, пандемия оқибатида хорижлик туристлар сонининг 1211,9 кишига камайиши оқибатида Ўзбекистоннинг фақат мамлакатга ташриф буюрувчи туристлар сонининг кескин камайиб кетганлиги туфайли йўқотилган туризм хизматлари экспорти миқдори ҳисоблаб топишимиз мумкин. Хизматлар экспорти миқдори 245833 трлн. сўмни ташкил қилди. Туризм экспортидан юртимиз даромадларининг камайиши фақат апрел-июн ойларида ташриф буюрувчилар сонининг кескин қисқариши ҳисобидан юз берган воқелик эмас. 2020 йилнинг январ-март ойларида ҳам, яъни ҳали халқаро транспорт воситалари ҳаракатининг тўхтатилишига қадар, мамлакатга ташриф буюрувчи туристлар сони дунё мамлакатларида COVID-19 тарқалиши оқибатида анчага қисқарганлигини кузатиш мумкин.

Таҳлил натижалари йилнинг биринчи уч ойи давомида Ўзбекистонга ташриф буюрган чет фуқаролари сонининг кўпайиши натижасида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сони 2020 йилнинг январ-июнь ойларида ҳаммаси бўлиб 1216,1 минг кишини ташкил этди (2019 йилнинг биринчи ярмида эса, у 3034,8 минг кишини ташкил этган эди) ва бу олдинги йилнинг шу давридаги чет элдан ташриф буюрган туристлар сонининг фақат 40 фоизини ташкил этди, яъни 2,5 мартага қисқарди. Республика бўйича ярим йилда пандемия оқибатида мамлакатга ташриф буюрувчи хорижлик туристлар сони 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 1818,7 минг нафарга камайди, мамлакатга туризм экспортидан етказилган зарар эса 368923, 295 млрд. сўмни (1818,7 минг киши x 2028,5) ташкил қилди [2].

Жаҳондаги барча мамлакатлар туризмида бошланган инқироз Ўзбекистон туризмига, унинг макродаражадаги кўрсаткичларининг ўсиш суръатларига ҳам жиддий зарар етказди. Масалан, 2020 йилда Ўзбекистонда давлат томонидан туристик хизматлар экспортининг ҳажмини 1360,0 млн.

1- жадвал. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида коронавирус пандемиясининг таъсири остида туризм соҳасига етказилган зарарнинг таҳлили¹

Кўрсаткичлар номи	2019		2020		2021	
	Прогноз	Ҳақиқий	Прогноз	Ҳақиқий	Прогноз	Ҳақиқий
Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий туристлар сони (минг киши)	6041	6748	7010	1504,1	8410	1881,3
Туризм хизматлари экспорти (млн. АҚШ доллари)	1180	1313	1360	260,9	1620	422
Ички туристлар сони (мингта ташриф)	16100	14748	17230	3534,1	18806	5813,9
Меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сони (дона)	1100	1056	1620	1308	2200	1442
Жойлаштириш воситаларидаги хоналар сони (минг)	24	26,1	35	29,2	47	33,4
Жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сони (минг)	49	54,7	72	61,5	95	71,2
Туроператорлар сони (нафар)	1100	1481	1190	1344	1250	1467

АҚШ долларига етказиш режалаштирилган эди. Лекин унинг ҳақиқий ҳажми режада белгилангандан қарийб 81 фоизга кам бўлди ва 260,9 млн. АҚШ долларини ташкил қилди (1- жадвал).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармони билан тасдиқланган «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепсияси»га мувофиқ 2021 йилда Ўзбекистон туризм хизматлари экспортининг ҳажми 1360 млн. долларни ташкил этиши белгиланган ва агар 2019 йилда режанинг 16 фоизга зиёди билан бажарилганлигини инобатга олган ҳолда ёндашсак, 2020 йилда мамлакатда туризм хизматлари экспортининг ҳажми (олдинги, яъни 2019 йил марралари сақланиб қолган тақдирда ҳам) 1577 (1360x1,16) млн. АҚШ долларини ташкил этиши мумкин эди. Ҳақиқатда эса, жами 260,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди, холос.

Шунингдек, бугунги кунда (пандемиядан кейин) Ўзбекистонда туризм хизматлари соҳасини жадал ривожлантириш мақсадида унга миллий иқтисодиётнинг «ўсиш нуқталаридан» бири сифатида қаралаётган бўлсада, соҳа фаолиятида фойдаланилмаётган имкониятлар, ташкилий-иқтисодий жиҳатдан камчиликлар ва муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Ўтказилган таҳлилларга кўра, мамлакатда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари: транспорт, меҳмонхоналар бизнеси, умумий овқатланиш, савдо-сотиқ ва

бошқа маиший соҳаларда ҳам иккиламчи талабнинг юзага келиши натижасида бир қатор камчилик ва муаммоларнинг юзага келаётганлиги аниқланди. Ушбу камчиликларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- Ўзбекистонга ташриф буюрган ёки ички сайёҳнинг кўпчилиги геолокация тизими яхши йўлга қўйилмаганини, мамлакатга мустақил ташриф буюрувчи сайёҳ ўзи истаган жойга боришда ва истаган нарсасини топишда қийинчиликларга дуч келишини айтишган[3]. Кейинги муҳим эътирозлардан бири бу интернет сифати ўртача кўрсаткичдан пастлиги, меҳмонхоналар, ресторан, кафе, жамоат транспортларида Wi-Fi тизими жуда заиф ишлаши ёки умуман мавжуд эмаслигидир.

- мамлакатда меҳмонхоналар ва транспорт нархи озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар (кийим-кечак, ичимликлар, совғалар в.б.) билан таққосланганда анча қиммат ҳисобланади. Мамлакат ҳудудларини бир-бири билан боғлашда муаммоли вазиятлар мавжуд (масалан, туристик мавсумнинг энг қайноқ пайтларида ҳам Шаҳрисабздан Хивага тўғридан тўғри авиақатновлар йўлга қўйилмаган) [4].

- Мамлакатга ташриф буюрган туристлар фикрига кўра, Ўзбекистонга саёҳат қилишдаги энг катта ноқулайлик рўйхатдан ўтиш билан боғлиқ. Мамлакатга кириш ва чиқиш учун, ҳатто меҳмонхонада жойлашиш ва тарк этиш жараёнида ҳам алоҳида бланка тўлдирилади. Шунингдек, Ўзбекистонда валютани хусусий айирбошлаш шохобчалари мавжуд эмас ва уни фақат бан-

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

кларда ва ихтисослашган айирбошлаш хизматларида алмаштириш мумкин [5]. Устига устак, шанба якшанба кунлари аксарият банкларнинг фаолият юритмаслиги сабабли валютани айирбошлашнинг деярли имкони йўқ.

- Бутун дунёда хизмат секторида, хусусан, меҳмонхона тармоғида қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) мутлақо йўқ ёки жуда ҳам катта фарқ билан иқтисодиётда ўрнатилган умумий қўшимча қиймат солиғидан паст ставкада белгиланган. Масалан, туризм соҳаси яхши ривожланган Туркияда ҚҚС 18 фоиз қилиб белгиланган, аммо меҳмонхоналар учун 8 фоиз. Германия, Греция, Франция – ҳаммасида меҳмонхоналар учун ҚҚС камида 2 баробар паст [6]. Аммо Ўзбекистонда бу барча хўжалик юритувчи субъектлар учун бир хил 15 фоизлик ставка белгиланган. Бу ҳам ўз навбатида меҳмонхона хизматларининг нархига ўз таъсирини кўрсатади.

- Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар реклама учун энг арзон қулай восита бўлсада, туристларнинг фикрича, унда Ўзбекистон ҳақида тўлиқ маълумот олишнинг иложи йўқ. Мисол учун, дин ишлари бўйича қўмита маълумотларига кўра, ҳозирда Туркияда 30 миллиондан зиёд Нақшбандия тариқатига эътиқод қилувчи инсонлар истиқомат қилади. Аммо ўтказилган сўровномаларга кўра, уларнинг кўпчилиги шайх Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасининг Бухорода экани ҳақида маълумотга эга эмас [7].

- Ташриф буюрувчиларнинг фикрича, меҳмонхона номерларининг сифатини олдиндан билиш қийин, танлов жараёнида турли хил вариантларни бир бири билан солиштириш бироз мураккаб. Шунингдек, мамлакатда 3-4 категорияга мос келадиган сифатли жамоавий турар жой бинолари етишмайди.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Концепциясида юқорида саналган ва ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар ва чора тадбирлар Дастури белгиланган бўлишига қарамасдан уларнинг амалиётда ҳали ҳам мавжудлиги бир тарафдан Ўзбекистонда туризм хизматларини жадал ривожлантириш борасидаги изчил сиёсатнинг самарадорлиги паст даражада эканлигидан далолат берса, иккинчи томондан уларни жаҳонда рўй берган пандемия оқибатларининг салбий натижаси деб баҳолаш мумкин.

Демак, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, туризм хизматлари соҳасини миллий иқтисодиётнинг

муҳим стратегик соҳаси сифатида ривожлантириш, туристик хизматларни диверсификациялаш ва сифатини ошириш ҳамда туристик инфратузилмани, шу жумладан хорижий сармояларни жалб қилиш ва самарали реклама-маркетинг ишларини олиб бориш эвазига такомиллаштириш, шунингдек, Концепцияда белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эширишда кўп жиҳатдан тармоқ иқтисодиётида давлатнинг фаол иштирокига эҳтиёж сезилади. Туризмни жадал суръатлар билан ривожлантириш давлатнинг бевосита ва фаол иштирокисиз, унинг пухта ўйланган тезкор чора-тадбирларисиз, юқори самара берувчи сиёсатисиз амалга ошмайди. Бизнингча, келгусида Ўзбекистон туризм хизматлари соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар самарадорлиги давлат ҳокимияти органларининг туризм соҳасини бошқаришдаги иқтисодий, ижтимоий-маданий, экологик, молиявий, қиёфавий ва маркетинг нуқтаи назардан олиб борадиган сиёсатига боғлиқ.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси. Бизнингча, Ўзбекистон туризм хизматлари соҳасининг тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш ҳамда соҳани келгусида жадал ривожлантиришда белгиланган устувор вазифаларни бажаришнинг ягона йўли соҳани аниқ тизим ва дастур асосида бошқаришдир. Бунда белгиланган устувор вазифаларнинг самарали амалга оширилиши ҳамда унинг натижадорлиги кўп жиҳатдан тизимли ёндашувга боғлиқ. Агар вазифалар қанчалик аниқ бир тизим ва дастур асосида амалиётга тадбиқ қилинса кутилаётган натижага эришиш самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, биз янги Ўзбекистонда туризм хизматлари соҳасининг ривожланиш тараққиётини янги босқичга кўтаришда давлат ҳокимияти органлари олдида турган ва зудлик билан амалга ошириш лозим бўлган устувор вазифаларни ишлаб чиқдик (2-жадвал).

Иккинчи жадвалда амалга оширилиши тавсия этилаётган устувор вазифалар Ўзбекистонда туризм хизматлари соҳасини жадал ривожлантириш, уни пандемиядан олдинги фаол ҳолатга қайтариш ва жаҳон туризм бозорида муносиб ўрин эгаллашнинг муҳим омили сифатида қаралиши зарур. Бу жараёнлардан кутилган натижага эришиш учун давлат тадбиркорлик субъектлари ва туризмга масъул давлат ташкилотлари

2-жадвал. Мамлактада туризм хизматлари соҳасини ривожлантириш бўйича давлат ҳокимияти органлари олдидаги вазифалар¹

Соҳа / йўналишлар	Қилиниши лозим бўлган чора тадбирлар
Иқтисодий	<p>a) Қўшимча инвестицияларни жалб қилиш ёки давлат хусусий шерикчилик асосида “туризм маҳалласи”, туризм қишлоғи”, “туризм шаҳарчаси” каби ҳудудларни жойларда кўпайтириш;</p> <p>b) Туризм мақсадларида фойданилмаётган тарихий мерос объектларини давлат-хусусий шериклик асосида қайта ташкил этиб туризм мақсадларида фойдаланишга шароит яратиш;</p> <p>c) Туризмнинг янги йўналишларини ташкил этишга ёроқли чекка ҳудудларни туристик рекреацион зоналарга айлантириш, шунингдек, ушбу зоналарга “эркин иқтисодий зоналар”даги каби барча турдаги молиявий ва иқтисодий эркинликларни, имтиёзлар ва преференцияларнинг берилишини йўлга қўйиш;</p> <p>d) Туризмнинг ички ва ташқи бозор истеъмолчиларига сифатли, тезкор ва замонавий туризм хизматларини кўрсатиш мақсадида туризм кластерларини ташкил этиш, бу орқали меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратилишига эришиш;</p> <p>e) Бугунги замон талабига мос, халқаро стандартларга жавоб берадиган сифатли туризм хизматларини шакллантириш мақсадида соҳа фаолиятига замонавий информацион технологияларни жалб қилиш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш орқали тизимни рақамлаштиришга эришиш;</p> <p>f) Иқтисодиёт ва туризмда тўлов балансини оптималлаштириш, бизнес учун иқтисодий жозибадор шарт-шароитларни таъминлаш.</p>
Ижтимоий-маданий	<p>a) Минтақа аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш ва ички туризмни ривожлантириш мақсадида аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатлами (кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, мактаб ёшидаги болалар, нафақахўрлар ва ногиронлар) учун туристик хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш;</p> <p>b) Мамлакатда таълим, тиббий ва ишбилармонлик туризмни ривожлантириш мақсадида ОТМлар, тиббиёт муассасалари ва барча турдаги бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантириш ва туризмни ривожлантириш нуқтаи назардан уларни мувофлаштириш;</p> <p>c) Мамлакатнинг географик жойлашуви, экологик ва бошқа кўрсаткичларидан келиб чиқиб, мавсумга боғлиқ бўлмаган туризмнинг янги йўналишларини ташкил этиш ва ривожлантириш орқали соҳада кадрлар қўнимсизнигини камайтириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш;</p> <p>d) Мамлакатда ички туризмни ривожлантириш ва аҳолининг туризм хизматларидан фойданалишини рағбатлантириш ҳамда бу орқали уларда туризм маданиятини шакллантириш мақсадида мактаб ёшидаги ўқувчи ёшларнинг ёзги таътилин олдига ёки орқага суриш (туризм мавсумини ҳисобга олган ҳолда) масаласини кўриб чиқиш;</p> <p>e) Барча турдаги туристик хизматларни кўрсатувчи субъектларда (жойлаштириш воситалари, кафе, ресторан ва х.к.) юқори тезликдаги WI-FI тизимини ташкил этилишини мажбурий қилиб қўйиш;</p>

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2-жадвал. Давоми

Экологик	<p>а) Минтақанинг экологик муаммоларига эътибор қаратиш, ундаги муаммоларни экологик туризм ёрдамида ҳал қилиш, қайта тикланадиган ресурслардан фойдаланишга эътиборни кучайтириш;</p> <p>б) Мамлакатда табиий ресурслардан фойдаланиш ва экологияни асраб авайлашга қаратилган масъулият ва жавобгарликни оширишга қаратилган норматив ҳуқуқий базани шакллантириш;</p> <p>с) Экологик туризмни жадал ривожлантиришга зарурий шарт шароитларни яратиш;</p>
Молиявий	<p>а) Туризм хизматлари фаолияти билан шуғулланувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар учун алоҳида солиқ, пул-кредит ва божхона сиёсатини йўлга қўйиш ва улар учун ушбу турдаги имтиёзларини кўпайтириш (халқаро тажрибадан келиб чиқиб туризм соҳасидаги х.ю.с. учун ҚҚС ставкасини 8%гача пасайтириш ва фойда солиғидан озод қилиш);</p> <p>б) Мамлакатда туризм мавсумини узайтириш ва ички туризмни рағбатлантириш мақсадида мавсумдан ташқари пайтда (масалан ноябр-март оралиғида) туроператорларнинг темир-йўл ва ҳаво транспорти хизматларини ташкил этиш бўйича харажатларини давлат томонидан қоплаш механизминини ишлаб чиқиш;</p> <p>с) Кредитлар бўйича фоизларни тўлаш қийматининг 50 фоизгача бўлган миқдорда субсидиялар беришни назарда тутувчи туризм соҳасидаги ташкилотларни қўллаб қувватлаш бўйича инқирозга қарши чораларни амалга ошириш;</p> <p>д) Туроператорлар фаолиятини фаоллаштириш ва туризм хизматларини ривожлантириш мақсадида мамлакатда “туристик кешбек” тизимини жориш қилиш (бунда туроператорлар хизматидан фойдаланган сайёҳ қилган харажатининг маълум фоизини кешбек сифатида қайтариб олади).</p> <p>е) Хорижий сайёҳларнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, уларга эркинлик яратиш мақсадида жойларда 24/7 режимда фаолият олиб борадиган валюта айрбошлаш шаҳобчаларини ташкил этиш чораларини кўриш;</p>
Қиёфавий	<p>а) Ўзбекистонни туризм учун қулай ва хавфсиз давлат сифатида ташки қиёфасини (имижини) яратиш, бошқа ривожланган давлатлар билан иқтисодий-маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, минтақа ҳақида ижобий жамоатчилик фикрини шакллантириш ва унинг доимий таҳлилини амалга ошириш;</p> <p>б) Туризм хизматлари бўйича “Миллий рейтинг”, “Миллий сифат ёрлиғи” тизимини ишлаб чиқиш;</p> <p>с) Минтақанинг иқтисодиёт ва туризм соҳасидаги рейтингларини кўтариш, хизмат кўрсатиш сифати ва хавфсизлигининг тегишли жаҳон стандарти даражасига эришиш;</p> <p>д) Миллий брендни яратиш бўйича Президент кенгашини ташкил этиш;</p> <p>е) Ўзбекистон имижини шакллантириш ва уни ҳимоя қилишнинг ягона давлат стратегиясини ишлаб чиқиш.</p>
Маркетинг	<p>а) Минтақавий ва халқаро ахборот майдонидаги ОАВларига рақобатбардош йирик миллий медиа холдингларини ташкил этиш;</p> <p>б) Ривожланган хорижий мамлакатлардаги ОАВ ва тадқиқот марказлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариш;</p> <p>с) Етакчи хорижий тилларда эфирга узатиладиган сунъий йўлдош телеканаллини ташкил этиш;</p> <p>д) Чет тилларига ва туризмга ихтисослашган ОТМларда “Travel journalism” (саёҳат журналистикаси) йўналишларини ташкил этиш;</p> <p>е) Туристларга хизмат кўрсатишнинг янги шакллари ва стандартларини ишлаб чиқиш</p>

ўртасида ўзаро муносабатлар ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мувофиқлаштириб турилиши керак.

Демак, Ўзбекистонда туризм хизматлари соҳасини ҳар томонлама жадал ривожлантириш, уни мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичларини шакллантиришдаги ролини кучайтириш, мамлакатнинг ички ва ташқи туризм бозорини сифатли туризм хизматлари билан таъминлашга қаратилган ҳамда 2019-2025 йилларда туризмни жадал ривожлантириш Концепцияси доирасида такомиллаштирилиши зарур бўлган чора-тадбирлар таркибини синчковлик билан таҳлил қилар эканмиз, келажакда мамлакатнинг туризм истиқболлари кўп жиҳатдан тармоқ иқтисодиётида давлатнинг фаол иштироки ҳамда туризм хизматлари соҳасини ривожлантиришдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва молиявий

тарафлама ташкилотчилик ва раҳнамолик фаолияти билан боғлиқ эканлигига амин бўламиз.

Бизнингча, туризм хизматларини кўрсатувчи барча корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини биз ишлаб чиққан модел ва стратегия асосида мувофиқлаштирилиши келгусида мамлакат туристик жозибадорлигининг ошишига, туризм хизматлари соҳасининг фаол ва юқори суръатлар билан ривожланишига пировардда эса мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлиги, даромадлари ва бандлиги каби бир қатор ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси доирасида белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашда ҳамда кўзланган мақсадли кўрсаткичларга эришишда биз таклиф қилган тавсиялар дастури амал бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

Фойдаланилган адабиёт рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармони.
2. Мухаммедова З.М. Туризмни инновацион ривожлантиришда инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигини ошириш: Иқт.фан.фалс.д-ри дисс... автореф. – Самарқанд: СамИСИ, 2020. – Б.18.
3. Муминов Н.Г. Перспективы развития государственного управления в сфере туризма в Узбекистане // Экономика и финансы (Узбекистан), 2022 г, №5, С.2-10.
4. <https://kun.uz/11780695>
5. <https://kun.uz/11780695?q=%2F11780695>
6. <https://zamin.uz/jamiyat/85825-pandemijadan-kejingi-turizm-zbekiston-nimalarga-jetibor-aratishi-kerak.html>
7. <https://kun.uz/news/2021/03/25/ozbekistonda-nega-mehmonxonalar-qimmat>
8. <https://kun.uz/11780695?q=%2f11780695>